

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК МУМТОЗ  
АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА  
ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИЛМИЙ ЙИГИН ЁЗМАЛАРИ

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР  
БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВНИНГ  
ЕТМИШ ЁШИГА БАҒИШЛАНАДИ

Тошкент  
2024

Мадина Жўраева. Ўрта асрларда Мовароунинарда адабий-илмий  
ҳаёт ва унинг дунё илм фани ривожидаги ўрни ..... 334

Шахноза Тўлагонова. Қадимги туркий тилдаги стереотип бирликлар  
услубида қаршилантириш ҳамда ўхшатиш ..... 338

Toxir Xamzayev Saparovich. Misr lahjasining ayrim xususiyatlari ..... 342

To‘lg‘anoy Mamatqulova. Mahmud Koshg‘ariyning “Devoni lug‘ati turk” asarida  
“qo‘sishq” terminining ifodalinishi ..... 346

## **АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК**

Солижон Қурбонов. Илмий-танқидий матн манбалари ва  
Носир Бухорий девонининг кўлёзма нусхалари ..... 350

Nazzora Bekova. BuxDU ARMida saqlanayotgan qadimiy qo‘lyozma  
kitoblar tavsifi ..... 360

Oysara Madaliyeva. Ali Şir Nevai’nin “Hazayinü'l-ma’ani”  
divani şirlerinin umumi alfabetik dizimli el yazmaları hususunda ..... 363

Nodir Rahmatullayev. Tazkiralar Vozeh yoshligi haqida so‘zlaganda ..... 375

Dilafruz Nazarova. Xoja hikoyatlarining manbalari haqida ..... 381

Jahongir Oripov. Durbekning “Yusuf va Zulayxo” dostoni  
Hazora nusxasi va unda muallif masalasining ifodalinishi ..... 386

Фиёсiddин Баратов. ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида  
сақланувчи № 9927 рақамли қўлёзма тадқики ..... 390

Feruza Eshonqulova. Haydar Xorazmiy “Maxzan ul-asror”  
dostonining ayrim matniy farqliliklari xususida ..... 394

Aziza Hasanova. “Navoiy, tiling asrag‘il...” ..... 398

## **ИЛОВА**

“Девону луғот ит-турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида  
(ШавкатҲАЙИТОВ)..... 404

“Қутадгу билиг” достонидаги мақоллар таснифига доир  
(Дилдора ТОШПУЛАТОВА)..... 410

## **УЧИНЧИ БЎЛИМ. БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВНИНГ ИЛМИЙ ИШЛАРИ**

## ИЛОВА

### “ДЕВОНУ ЛУГОТ ИТ-ТУРК” МАҚОЛЛАРИ МАНБАШУНОСЛИК ОМИЛИ СИФАТИДА

ҲАЙТОВ ШавкатАҲМАДОВИЧ,  
филология фанлари доктори(DSc),

БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори

“Девону лугот ит-турк” – манбашунослик хазинаси. Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Алибек Рустамов, Боқиҷон Тӯхлиев каби устоз олимларнинг тадқиқотларида “Девону лугот ит-турк” туркий халқларнинг қадимги турмуш тарзи, ҳаёт манзарапари, урф – одатлари, иймон-эътиқоди, ижтимоий муносабатлари ҳақида маълумот берувчи нодир манба эканлиги “Девон” таркибидаги халқ мақоллари ҳамда ёзма адабиёт намуналарини чуқур таҳлил қилиш орқали асослаб берилган. Академик Азиз Қаюмов талқинича, “Девону лугот ит-турк” да берилган ҳалқ мақолларидан намуналар “Халқ ҳаётининг тажрибасидан келиб чиқсан фикрлар жавҳаридир. Инсон фазилати, олийжаноб ҳусусиятларнинг шарҳи, турмушнинг турли-туманлигини ўрганиб қилинган хулосалардан иборатдир”<sup>215</sup>.

Ижтимоий ҳаётнинг турли-туман манзарапарига ҳалқ ўз тажрибасидан келиб чиқиб баҳо бериб борган. Атоқли олим ўз мулоҳазаларини “Девон” дан қуидаги мақолларни келтириш билан асослаган: “Кут – белгиси билиг” – Баҳт белгиси илм ва аклдир. Кишининг тили ҳақида шундай бир мақол келтирилади: “Ардам боши тил” - Одобнинг бошланиши тилдан. Ёки “Куруқ қошиқ оғизқа йармас” – Куруқ қошиқ оғизга ёқмас.

Турли-туман ҳаёт кўринишларига ҳалқ ўз тажрибасига кўра баҳо бера борган. Шундай мақоллардан бир-икки мисоллар: “Алп черикда, билга тиракда” – Ботир жангда, олим сухбатда (синалар). “Куз келиги ёзин балгуур” – Кузнинг келиши ёздан билинар. “Теви силкинса, эшакка юк чиқар” – Туя силкинса, бир эшакка юк чиқар. “Ўт тутунсиз бўлмас, йигит ёзиқсиз бўлмас” – Ўт тутунсиз бўлмас, йигит гуноҳсиз бўлмас ва ҳаказо”<sup>216</sup>

“Девону лугот ит-турк” ни туркий халқлар тарихи, маданияти, урф-одатлари, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва адабий – бадиий қарашларининг манбаи сифатида талқин қилиш **филология фанлари доктори** Боқиҷон Тӯхлиевнинг тадқиқотларида яна ҳам кенгроқ назарга ташланади. Олим “Девон” таркибидаги ҳалқ мақолларига фавқулодда бой манбалар сифатида эътибор қаратади. Профессор Б.Тӯхлиев “Девону лугот ит-турк” мағзизда келган ҳар бир мақолни халқимизнинг ноёб, бебаҳо ёдгорлиги сифатида қабул қилиб, унинг илмий – тарихий ҳамда адабий –

<sup>215</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик, 1-жилд. Энг қадимги даврлардан XV асрнинг II ярмigача. -Тошкент: Фан, 1978. -Б.92

<sup>216</sup> . Ўша жойда.

эстетик мөҳиятини очиб беришга ҳаракат қиласи. Турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳар, қишлоқ ва яйловларини 15 – 20 йиллар давомида кезиб, Маҳмуд Кошгарий ёзиб олган ҳар бир мақолнинг яратилиш даврини хаёлда тиклаб, уларни ўз тарихи, ўз замонаси билан алоқадорликда таҳлил қилишга рағбат кўрсатади.

Устоз Б. Тўхлиев фикрича, “Девону луғот ит-турк” дан қуйида матни келтириладиган мақол қабила-уруғчилик даврида яратилган: “Ори қопса, оғуշ ақлишур, яғи келсә имрäm тебräşür. Фарёд кутарилса, уруғлар тўпланадилар, душман келса, ҳамма йиғилади.”<sup>217</sup>

Олим талқинича, матни келтирилган мақолда шахсий-оилавий ва ижтимоий муаммо уйғун ифодасини топган. Аҳамиятига кўра, Б.Тўхлиев талқинини тўлиқ келтирамиз: “Бу ерда икки хил безовталиқ ҳақидаги мулоҳазалар билдирилган. Дастреб оилавий мажаролар, кейин эса ижтимоий хавф устида гап бораётир. Оила ташвиши фақат шу оиласига, шу оила билан бевосита боғлиқ бўлган қариндош-уруғларгагина тегишли. Шунинг учун ҳам бу воеа муҳокамаси ёки унинг бундан кейинги жараёнларини бартараф этиш учун шу гуруҳнинг йиғилиши, жам бўлиши кифоя киласи. Кейинги қисмда акс этган безовталиknинг қамрови ва кучи анча баланд. У барча бирга яшайдиганларга, қишлоқ ёки мазкур худуд ичида яшайдиган барчага тегишли. Шунинг учун ҳам уни даф қилиш, йўқотиш айрим бир одам ёки муайян кичик гуруҳга эмас, балки шу ердагиларнинг барчасига оид. Демак, гап кичик бўлак билан бутун орасидаги, янада аникроқ қилиб айтиладиган бўлса, оила ва халқ, шахсий ўй ва бутун бошли юрт, ватан устида бормоқда. Қабила-уруғчилик давридаги бу муносабатларнинг халқ тилида мақол шаклида юзага келиши, шакланиши, назаримизда, мана шу жараёнлар билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Шунга кўра, ушбу мақолни халқимизнинг, бутун туркий халкларнинг ижтимоий тафаккурида сақланиб қолган энг қадимги, нисбатан “қари” мақоллар сирасига киритиш мумкин, деган хулоса пайдо бўлади”<sup>218</sup>.

Қадимги аждодларимиз табиат, ҳайвонот ва наботот дунёси сирлари, атрофни ўраб турган тоғу тошлар, чўлу биёбонлар, ўрмону чакалакзорлар асроридан мукаммал хабардор бўлганлар. Она табиат ҳар бир гўшасининг хос хусусиятларидан келиб чиқиб унга муносабатда бўлишган, қадам босишган. Саҳрода адашмасликнинг ўз қоидалари, тоғу тошлардан

<sup>217</sup>. Тўхлиев Б. “Девону луғотит турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида.  
- Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Наманган, 2020 йил 12-13 июнь. 1-китоб. -Б.64.

<sup>218</sup>. Тўхлиев Б. “Девону луғотит турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида.  
- Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Наманган, 2020 йил 12-13 июнь. 1-китоб. -Б.64-65.

юришнинг ўз талаблари, ўрмон кезишнинг ўз тамойиллари, сув (дарё ва денгиз) кечишининг ўз йўриқлари бўлган. Ўрмонда ўсадиган шоҳшаббаларнинг, дараҳтларнинг муайян кўринишлари ҳаракат йўналишини белгилаш учун компас вазифасини бажарган бўлса, чўл ва биёбонлардаги тошларнинг муайян ҳолатдаги кўринишлари адашмаслик, кўзланган манзилни аниқлаб, йўл босиш учун худди шу вазифани адо этган. Туркий халқларнинг бу борадаги улкан ҳәётий тажрибаси, мислсиз илми, ақл кучи ва ўткир қобилияти уйғунлашган ҳолда халқ мақолларида муҳрланган: “Ула бўлса йўл азмас, билиг бўлса сўз йазмас. – Белги бўлса одам йўлдан адашмайди, ақли бўлса киши сўзда янглишмайди.”

Мазкур халқ мақолини бошлаб берувчи дастлабки сўзни “Девону луғот ит-турк” муаллифи “Чўл ва саҳроларда йўл кўрсатиш учун қўйиладиган тош”, - дея изоҳлади. Филология фанлари доктори Б. Тўхлиев Маҳмуд Кошғарий сўз маъноларини шарҳлашда ҳар хил усуслардан фойдаланганлигига мисол тариқасида ушбу мақолни таҳлил қилас экан, куйидаги хulosага келади: “Мазкур мақолни ҳали географик кашфиётларнинг қўплари, жумладан, компасларнинг ҳам яратилишидан кўп асрлар олдин яратилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ.”<sup>219</sup>

Шарқ мумтоз адабиёти намуналари мағзида бир хил ҳадиснинг бир неча ўринда турли шаклда келиши кузатилади. Шарқ халқлари адабиётининг улуг намояндалари адолат ва одилликнинг икки жаҳон сарвари Муҳаммад (с.а.в) наздидаги қиммати, мамлакат ва халқ тақдиридаги чексиз аҳамиятига ўкувчи эътиборини тортиш учун “Бир соатлик адолат инсон ва жин хайлиниң ибодатидан яхшироқдир” ҳадисини ўз сўzlари орасида келтирадилар: “Улки унинг зоти била мубоҳидур, хожаи кавнайн дебдурким: “Адли соат хайрун мин ибодати-с-сақалайн”<sup>220</sup>. Мазкур ҳадис Шарқ адабиётининг баъзи намуналарида ёки бир асарнинг турли даврларида китобат қилинган қўлёзмаларида “Адли соат хайрун мин ибодати ҳамсина санатин” – “Бир соатлик адолат эллик йиллик ибодатдан яхшироқдур” шаклида келади”<sup>221</sup>.

“Девону луғот ит-турк” нинг Солиҳ Муталлибов томонидан тайёрланган нашридан ўқиймиз. “Арпасиз ат ашумас, арқасиз алп չериг сиомас. - Арпасиз от қир ошолмайди, ёрдамчисиз йигит жангда енголмайди. Бу мақол ишда ҳамкорликка чақиришга ундан айтилган”<sup>222</sup>.

<sup>219</sup> Тўхлиев Б. “Девону луғотит турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида. – Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Наманган, 2020, 12-13 июнь. -Б. 65.

<sup>220</sup> علي شير النواني. محبوب القلوب. Сводный текст. – М. – Л. Изд. АН СССР. 1948. – Стр. 8-9.

<sup>221</sup> علي شير النواني. محبوب القلوب. Бухоро санъат музейи хазинасидаги 27780-рақамли қўлёзма. – В.5а.

<sup>222</sup> Тўхлиев Б. “Девону луғотит турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида. – Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Наманган, 2020, 12-13 июнь. -Б. 66.

“Девону лугот ит-турк” муаллифи “арпа” сўзини изоҳлаш учун юқорида матни келтирилган мақолга мурожаат қилган “Арқа” сўзи шарҳида эса шу мақолнинг бошқа вариантидан фойдаланган: “Арқасиз алп չериг сиомас. – Ёрдамчисиз қаҳрамон жанг сафини синдиrolмайди”<sup>223</sup>. Профессор Б.Тўхлиев фикрича, “Девону лугот ит-турк” муаллифи мақолларнинг бир-биридан фарқ қилувчи турли шаклларини алоҳида ҳолатларда ёзиб олган. Шунинг учун хам уларнинг изоҳи бир-биридан фарқланади. Халқ мақолларида шаклий ўзгаришлар, яъни улар матнидан айрим калималарнинг тушиб қолиши ёки орттирилиши узоқ тарихий жараён маҳсули бўлиб шу типдаги мақолларнинг қадимийлигига етарли далил бўла олади. Матн тарихини чуқур ўрганмасдан, илмий ҳақиқатни аниқлаш мушкил эканлиги матншунос олимларимизнинг тадқиқотларида киёсий таҳлил орқали чуқур асослаб берилган<sup>224</sup>.

Устоз **Боқијон Тўхлиев "Авесто"** билан хам, "Ўрхун-Энасой" тошбитиклари билан ҳам, "Девону лугот ит-турк" таркибидаги меҳнат ва маросим қўшиқлари, ўгитномалар билан ҳам, "Кутадғу билиг", "Хибат ул-ҳақойиқ" каби кадим туркий адабиёт дурдоналари билан ҳам, "Шоҳнома" сингари жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан ҳам бемалол сирлаша оладиган, миллат тарихини, маърифат ва маданият, адабиёт ва санъат тараққиётининг хос қонуниятларини теран англайдиган нозиккид олим. “Девону лугот ит-турк” нинг Солих Муталлибов таржимасидан ўқиймиз: “Умайқа табінса оғул болур. - Кимки бунга (йўлдошга) ихлос билан қараса, у ўғил кўради, демакдир. Хотинлар яхшилик кутадилар<sup>225</sup>. Лугатшунос олим Маҳмуд Кошғарий ушбу мақолни “умай” калимасининг изоҳи учун келтирган. Б. Тўхлиев мақолда “умай” нинг икки маънода келганлиги ҳамда ушбу мақол яратилиш тарихига кўра исломдан олдинги даврларга бориб тақалишини айтиш учун қатор нуфузли лугатлар шархини назардан ўтказган<sup>226</sup>. Маҳмуд Кошғарий талқинидаги сўзни Ўрхун-Энасой битиктошлари матнидан излаб топган. “Девону лугот

<sup>223</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Туркий сўзлар девони. С.Муталлибов таржимаси асосида кайта ишланган, тўлдирилган, ўзгартишлар киритилган мукаммал нашри. Нашрга тайёрловчи Қ.Содиков. -Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017, -Б.64.

<sup>224</sup> Бу хусусда мукаммал маълумот олиш учун қаранг. Жабборов Н. Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳақиқат мезони. – Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Наманган, 2020, 12-13 июнь. -Б. 50-58.

<sup>225</sup> Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони. (Девону луготит турк Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. Масъул мухаррир F.A.Абдураҳмонов. З жилдлик, 1-жилд. - Тошкент, ФАН, 1960. -Б.62

<sup>226</sup> Бутанаев В.Я. Хакасско-русский историко-этнографический словарь - Абакан, 1999;

Бутанаев В.Я. Бурханизм тюроков Саяно-Алтая. - Абакан, 2003;  
Древнетюркский словарь. Ленинград, Наука, 1969.

ит-турк” нинг турли босқичдаги, турли тиллардаги нашрлари матнини қиёслаб ўрганган. Маҳмуд Кошғарий асарининг академик Алибек Рустамов томонидан амалга оширилган Москва нашри олим қиёсий ўрганган шундай манбалар сирасига киради<sup>227</sup>.

**Олим илмий, адабий, тарихий манбалардан иқтиbos танлашда ҳам маҳорат кўrsatган.** Шу маънода узоқ ва давомдор қиёсий-типологик таҳлиллардан сўнг ўқувчи хукмига ҳавола қилинган қуйидаги иқтиbos илм аҳлини “Девону лугот ит-турк” устида янада кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқотлар яратишга ундейди. “Она-маъбуда кўплаб мифологиялардаги бош аёл илоҳадир, унинг образи қадимиҳ халкларнинг маданиятларида юқори палеолит давридан бошлаб (яъни бундан 35-40 минг йиллар олдин) ниҳоятда аниқ кузатилади, Она-маъбудага табиатнинг бошланиши, унинг ҳосилдорлиги ва мўл-кўллиги рамзи сифатида топинилган. Қадимги туркий ҳамда мўғул халклари ҳам бунда истисно бўлмасдан, уларнинг пантеонида ҳам юксак даражада сифиниладиган Умай илоҳаси (Ымай, Умайя, Ума, Омай, Отукан). Унинг мўғулча номи Этugen (Итога, Итуге, Ирога) яхши маълум бўлган”<sup>228</sup>.

“Агар адабий манбани яхлит бир иморатга қиёсланса, матншунослик унинг пойдеворидир. Адабиётшунослик ана шу пойдевор устига қурилмоғи зарур. Акс ҳолда у пойдеворсиз иншоот сингари омонат бўлиб қолади.”<sup>229</sup>, – деб ёзади филология фанлари доктори Нурбой Жабборов.

“Девону лугот ит-турк” нашрларининг матн тарихи билан бевосита алоқадорлигини чуқур ҳис қилган устоз Б. Тўхлиев қабила, уруғ, халқ, миллат номларини қадимийлик нишонаси сифатида фараз қилас экан, таҳлил учун навбатдаги кўчирмаларни “Девону лугот ит-турк” нинг С.Муталибовнинг таржимаси асосида қайта ишланган, тўлдирилган, ўзгартиришлар киритилган мукаммал нашрдан олади.

“Бир тойин баши aғrīса, қамуғ тойин баши aғrimas. – Бир роҳибнинг боши оғригани билан бошқа роҳибларнинг боши оғриб қолмайди. Бу мақол ўртоқлари мувофиқ топиб истаганлари, еган ичганлари ҳолда баъзи бирлари

---

<sup>227</sup> Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-турк (Свод тюркских слов) : в 3 т. / Пер. с араб. А.Р. Рустамова, под ред. И.В. Кормушкина, прим. И.В. Кормушкина, Е.А. Поцелуевского, А.Р. Рустамова; Ин-т востоковедения РАН : Ин-т языкоznания РАН. Т. 1. - (Памятники письменности Востока. СХХVIII. - М. : Вост. лит., 2010.

<sup>228</sup> Умай Богиня-Мать тюркских и монгольских народов://матма.ру/умай-богиня-мат-туркских-и-монгольских-народов/ народов - Тўхлиев Б. “Девону луготит турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида. – Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Наманган, 2020, 12-13 июнь. -Б. 67.

<sup>229</sup> Жабборов Н. Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳақиқат мезони. – Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Наманган, 2020, 12-13 июнь. -Б. 51.

буни истамаганликларини англатиш учун қўлланилади”<sup>230</sup>. Қадимги халқ мақоли таркибидаги “тойин” сўзини “ислом динида бўлмаганларнинг бошлиғи” маъносига эга эканлигини аниқлаган заҳматкаш олим “Бу мақол ҳам исломдан олдинги даврларда яратилган халқ дурдоналари силсиласига киради”, – деган хулосага келади.

**Профессор Б. Тўхлиевнинг заҳматкашлиги ва ўзига хос тадқиқ усули илм аҳлини “Девону лугот ит-турк” ни янада теран ва изчил ўрганишга илҳомлантиради.** Кенг, чукур, тизимли таҳлилгина атоқли олим Д.С. Лихачев таъкид этганидек, “Девону лугот ит-турк” матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради.

---

<sup>230</sup> Махмуд Кошгариј. Девону луготит турк. Туркий сузлар девони. С.Муталлибов таржимаси асосида кайта ишланган, тулдирилган, ўзгартишлар киритилган мукаммал нашри. Нашрга тайёрловчи Қ.Содиков. - Тошкент, Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. -Б.115.